

самарали фойдаланишни ташкил этиш учун вилоятда қурилиш материаллари кластерини ташкил этиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш муҳим, деб ҳисоблаймиз:

- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати, қурилиш хизматларининг ягона бошқарув тизимини ташкил этиш;
- жаҳондаги ривожланган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кластерлари фаолиятини чуқур ўрганиш ва улар билан алоқалар ўрнатиш;

- вилоятдаги туманлар ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир туманда кластерлар жорий этиш ва уни туманни ривожлантириш “драйвери”га айлантириш;

- вилоятдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар, қурилиш ташкилотлари ва қурилиш материаллари савдоси билан шуғулланувчиларни ягона “қурилиш материаллари савдоси online платформаси”га бирлаштириш ва қурилиш материаллари савдосини ривожлантириш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. Lex/uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги (ПФ-6244-сонли) фармони. Lex/uz
3. *Competitive Advantage: Creating and Sustaining Superior Performance.* – New York: The Free Press, 1985 (2nd ed. – New York: Free Press, 1998. – 592 p. ISBN 978-0-684-84146-5); русск. пер.: Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. / Пер. с англ. Е.Калининой. – М.: Альпина Паблишер, 2008 (2-е изд. 2008). – 720 с. ISBN 978-5-9614-0760-0.
4. Гаджиев Ю.А. Новые формы территориальной организации производства и другие теории регионального экономического роста и развития. // Вестник Научно-исследовательского центра корпоративного права, управления и венчурного инвестирования Сыктывкарского государственного университета. 2008. № 3. URL: <http://www.koet.syktu.ru/vestnik/2008/2008-3/3/3.htm>.
5. Ялов Д.А. Кластерный подход как технология управления региональным экономическим развитием. // Subcontract.ru: портал информационной поддержки малого и среднего производственного бизнеса. 2003-2009. URL: http://www.subcontract.ru/Docum/DocumShow_DocumID_17.html.
6. Цихан Т.В. Кластерная теория экономического развития. // Subcontract.ru: портал информационной поддержки малого и среднего производственного бизнеса. 2003-2009. URL: http://www.subcontract.ru/Docum/DocumShow_DocumID_168.html.
7. Enright M.J. Regional Clusters: What We Know and What We Should Know. *Advances in Spatial Science*, 99-129. doi:10.1007/978-3-540-24760-9. 2003.
8. Porter M. *Clusters and Competition, New agendas for Companies, Governments and Institutions.*
9. *Cluster programmes in Europe and beyond, European Observatory for Clusters and Industrial Change, may 2019,* URL: <https://gidnuzen.ru/obespechennost-zhilem-po-stranam-mira-2020/>
11. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. Учебник для вузов. – М.: ГУ ВШЭ, 2000; Мищенко В.В. Экономика регионов. Учебное пособие. Изд-во Алтайского гос. ун-та. 2002. – 160 с.
12. <https://www.eucluster2019.eu/files/events/4538/files/eocic-cluster-programme-report.pdf>
13. namstat.uz
14. lex.uz



ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a44

Эрназаров Гулам Бекбаевич -
Тошкент шаҳридаги “МЭИ” миллий тадқиқот университети Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи, иқтисодиёт фанлари номзоди (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти статистик кузатувлар асосида ўрганилиб, унинг мазмун-моҳияти очиқ берилган. Шунингдек, мазкур соҳанинг республика миллий иқтисодиётда тутган ўрни, аҳамияти, ЯИМдаги улуши ва унинг ривожланиш динамикаси статистик таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳа, консалтинг хизматлари, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳоли турмуш шароити, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар, халқаро тажриба, хусусий сектор.

СТАТИСТИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА РОЛИ СЕКТОРА УСЛУГ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ И ЕГО РАЗВИТИИ

Эрназаров Гулам Бекбаевич -
Начальник отдела «Контроль качества образования» Национального исследовательского университета «МЭИ» - филиала ФГБОУ ВО в г.Ташкенте, кандидат экономических наук (PhD)

Аннотация. В данной статье на основе статистических наблюдений рассматривается деятельность сферы услуг, которая является одной из важнейших отраслей национальной экономики, и раскрывается ее сущность. Также проведен статистический анализ роли этой отрасли в национальной экономике республики, ее значимости, доли в ВВП и динамики ее развития.

Ключевые слова: услуги, социальная сфера, консультационные услуги, жилищно-коммунальное хозяйство, условия жизни населения, здравоохранение и социальные услуги, услуги, предоставляемые на душу населения, международный опыт, частный сектор.

STATISTICAL ASSESSMENT OF THE ROLE OF THE SERVICE SECTOR IN THE NATIONAL ECONOMY AND ITS DEVELOPMENT

Ernazarov Gulam Bekbaevich -
The head of the book " Education quality control " National Research University "MEI" - branch FGBOU VO v city of Tashkent, PhD in Economics

Abstract: Based on statistical observations, this article examines the activity of the service sector, which is considered one of the most important branches of the national economy, and reveals its essence. A statistical analysis of the role of this industry in the national economy of the Republic, its significance, share in GDP and dynamics of its development was also carried out.

Keywords: services, social sphere, consulting services, housing and communal services, living conditions of the population, health and social services, services provided per capita, international experience, private sector.

Кириш. Хизматлар соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади, бу эса мазкур масаланинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради.

Замонавий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари орасида хизматлар соҳаси устунлик қилади. Илғор мамлакатларнинг замонавий ривожланиш даражаси турли хил хизматлар ишлаб чиқш ва уларнинг бозори жадал ривожланишини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш даражаси жамият шаклланишининг асосий мезонидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида янги лавозимга киришишдаги нутқида ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб ўтди: «...Энг муҳим масалалардан бири сифатида уй-жой масаласини ҳал этиш, аҳолига қулай яшаш шароитларини яратиш доимий эътиборимиз марказида бўлади. Ушбу йўналишда қабул қилган дастурларимиз, жумладан, арзон уй-жойлар дастури асосида сўнгги беш йилда 140 минг-

дан зиёд янги квартира ва якка тартибдаги уй-жойлар барпо этилди.

Бу – олдинги беш йилга нисбатан 10 баробар кўп уй-жой қурилди, деганидир. Ана шундай ишларимиз кўламини янада кенгайтириб, келгусида ҳудудларимизда 1 миллиондан ортиқ аҳоли учун барча қулайлик ва ижтимоий инфраструктурага эга бўлган “Янги Ўзбекистон” массивларини бунёд этамиз. “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари изчил давом эттирилади.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, жамоат транспорти ҳамда ҳудудлараро мунтазам автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатновини яхшилаш бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилади...» [1].

“2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб бурилиш йили бўлди десак, муболаға бўлмайди, – деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида, – ...яқунланаётган йилда марказлашган ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун 3 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди. Натижада аҳолининг тоза ичимлик

суви билан таъминланиш даражаси 73 фоизга етди...» [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғриси”да 2022 йил 27 майдаги ПФ-104-сонли қарориди: “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш натижасида 2021 йилда хизматлар кўрсатиш ҳажми қарийб 20 фоизга ўсди. Шу билан бирга, хизматлар соҳасини ривожлантиришга янги ёндашувларни жорий этиш орқали бозор хизматлари ҳажмини 2022 йилда 1,5 бараварга ошириш ҳамда қўшимча 1,5 миллион янги иш ўринларини яратиш имконияти мавжуд”, – деб таъкидлаб ўтилган [5].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ушбу мавзу юзасидан маҳаллий ва хорижий олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган бўлиб, улар ушбу соҳани янада ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишган. Хорижий олимлардан Е.А.Разомасова “Сфера услуг: теория, состояние и развитие” деб номланган монографиясида: “...ривожланган иқтисодий жамиятни турли хил хизматлар кўрсатишга ихтисослашган миллий иқтисодиёт тармоқларининг мажмуаси ва иқтисодий механизми бўлган, иқтисодий ривожланган тизимсиз тасаввур қилиш қийин. Ушбу тизимнинг номи хизмат кўрсатиш соҳасидир” [6], – деб хизмат кўрсатиш соҳасига илмий таъриф бериб ўтади. Берилган ушбу таърифдан хулоса қилиш мумкинки, демак, миллий иқтисодиётимизнинг тараққиёти ва унинг ривожланишини хизмат кўрсатиш соҳасиз тасаввур қилиш мурраккабдир. Бу эса миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш учун хизмат кўрсатиш соҳасининг замонавий турларини жорий этишни тақоза этади [6]. 2021 йил якунларига кўра, ЯИМда хизматлар соҳасининг улуши 38,6 фоизни ташкил этди. Бу эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан анча юқоридир.

К.Хаксивер, Б.Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик “Управления и организация в сфере услуг: теория и практика” илмий асарида иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиб бориши, хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш тизими, унинг усули ва воситалари, хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат унумдорлиги ва самардорлигини ошириш омиллари ва резервлари ҳамда уларни ўлчаш усуллари, корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш омиллари, иш ҳақининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, иш ҳақини тўлаш шакллари ва усуллари, унинг асосий вазифалари ва функциялари тадқиқ этиб берилган [7].

Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва бошқаришнинг

янги-янги замонавий шакллари жорий этиш орқали хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат унумдорлиги ва самардорлигини ошириш ҳамда унинг натижалари бўйича статистик таҳлилини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади [7]. Шу билан бирга, хизматлар соҳасини ривожлантиришга янги ёндашувларни жорий этиш орқали бозор хизматлари ҳажмини ошириш ҳамда қўшимча янги иш ўринларини яратиш имкониятлари яратилади.

Ю.В.Мелешко фикрича, XX аср охири – XXII аср бошлари иқтисодиётидаги энг ёрқин тенденциялардан бири хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатларда ривожланиши ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқариши – асоси 18-асрнинг охиридан бошлаб мамлакатларнинг муваффақиятли иқтисодий ривожланиши ўз ўрнини хизмат кўрсатиш соҳасига бўшатиб берди, шу сабабли жаҳон иқтисодиётида саноат инқилоби билан таққосланадиган таркибий қайта қуриш содир бўлди [8].

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мезонига айланиши зарурлиги илмий ва назарий жиҳатдан тадқиқ этилган [8].

М.М.Муҳаммедов таъкидлашича, “хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи-ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандлигига, умуман, ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатган [9].

Р.Ботирова “Худудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари” мавзусидаги илмий ишида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръатлари, янги пайдо бўлган хизмат турлари, бозор ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларига мослашиши, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдаги аҳамияти илмий ва назарий тадқиқ этганини таъкидлаган [10].

Г.Б.Эрназаров ўзининг “Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини статистик баҳолаш” деб номланган монографиясида жамият ривожланиб, ишлаб чиқариш кучлари тараққий этгани сари хизматлар соҳасининг юксалиши ҳам сезиларли даражада кучаймоқда. Соҳада бандлар сони кўпайиши, меҳнатнинг техника билан қуролланганлик даражаси ошиши, такомиллашган технологиялар кенгроқ қўлланиши кузатилаётганлигининг имий-назарий ва илмий-услубий жиҳатларини тадқиқ этиб берган [11].

Бугунги кунда ҳам бошқа кўплаб олимлар хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, унинг статистик таҳлили: муаммолар ва улар-

нинг ечимлари бўйича тадқиқотлар олиб бо-ришмоқда.


Тадқиқот методологияси. Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламдаги ислохотлар доирасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «...арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш...» [2] юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Бу каби устувор вазифалар муваффақиятли ҳал этилиши хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобига республикамиз аҳолисига сифатли коммунал хизмат кўрсатишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш ва истиқболларини статистик прогнозлашни талаб этади. Республика-мизда хизмат кўрсатиш соҳасини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, соҳа фаолиятига таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган, илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Мавзунини ўрганишнинг статистик усулларига таянган ҳолда, иқтисодий-ижтимоий таҳлиллар, мантиқий ёндашув, статистик кузатиш, танланма кузатув ва бошқа кўплаб илмий ўрганиш усул ва услубларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлиллар ва натижалар. Бу каби устувор вазифалар муваффақиятли ҳал этилиши хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобига республикамиз аҳолисига сифатли хизмат кўрсатишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш ва истиқболларини статистик прогнозлашни талаб этади. Республика-мизда хизмат кўрсатиш соҳасини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, соҳа фаолиятига таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган, илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг энг муҳим секторлари сифатида кўплаб йўналишлар жамланган хизматларнинг ўрни жуда катта ва долзарбдир. Бу, аввало, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашиши, бозорнинг товарлар билан тўйинганлиги, жамият ҳаётига янгиликлар кири-тувчи фан-техника тараққиёти билан боғлиқ. Буларнинг барчаси ахборот, молиявий, транспорт, консалтинг хизматлари ва бошқа турдаги хизматлар мавжудлигини тақозо этади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сонли қарорининг қабул қилиниши соҳанинг бугунги кунда миллий иқтисодиётимизда тутган ўрни ниҳоятда муҳимлигини кўрсатиб бермоқда.



1-расм. Республика-миз ҲИМ ҳажмида хизматлар ҳажми [13]

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан берилган 2021 йилнинг дастлабки маълумотларига кўра, “Хизматлар соҳасида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 283.301,6 млрд. сўмни ташкил этиб, унинг номинал ҳажми 63 323,1 млрд. сўмга ошган. Таққослама эквивалентда 2020 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 119,2 %ни ташкил этган.

Хизматлар соҳасида кичик тадбиркорликнинг улуши 51,1 %ни, аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 8.114,0 минг

сўмни, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатётган корхона ва ташкилотлар улуши 65,7 %ни ва аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг ўсиш суръатлари 116,9 %ни ташкил этган” [13].

2021 йил 1 январь ҳолатига республикада 475,2 мингта фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар қайд этилди. Уларнинг 309,4 мингдан ортиғи хизматлар соҳаси корхона ва ташкилотларидир. Таҳлиллар кўрсатадики, мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,1 %га ошган [13].

1-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари кесимида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти таркиби (жамига нисбатан, фоизда)

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
I. ЯИМ, жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	91,2	89,0	89,3	91,5	92,6	92,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	8,8	2017	10,7	8,5	7,4	7,2
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	32,1	32,2	30,0	26,9	27,1	26,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	25,1	26,5	31,1	34,4	34,2	34,5
саноат	19,5	21,1	25,3	28,1	27,5	27,8
қурилиш	5,6	5,4	5,8	6,3	6,7	6,7
Хизматлар	42,8	41,4	38,9	38,7	38,7	38,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	8,0	7,6	7,1	6,7	6,7	7,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	9,1	9,0	8,1	7,6	7,0	7,2
бошқа хизмат тармоқлари	25,7	24,8	23,8	24,4	25,0	24,4

Республикаemiz тармоқлари ялпи қўшилган қийматида (1-жадвал) хизматлар соҳасининг улуши 2021 йил якунлари бўйича 38,6 фоизни ташкил этиб, кўрсатилган хизматлар ҳажми 284 165,4 млрд. сўмга етди ёки 2020 йилдагига нисбатан 1,2 фоиз ўсишга эришилган.

2021 йил 1 январь ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби таҳлили қуйидагиларни кўрсатди: хизматлар соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар умумий сонида яшаш ва овқатланиш бўйича хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар улуши 9,7 %га тенг; ташиш ва сақлаш фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар улуши 5,6 %га етди; ахборот фаолияти билан шуғулланувчи ва алоқа хизматлари кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар улуши 3,1 % бўлди; соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар улуши 3,0 %ни ташкил қилади [13].

Айтиш лозимки, 2020 йил 1 январь ҳолатига хизматлар соҳасида 262,0 мингта корхона ва ташкилот фаолият юритган. У хизматлар соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар умумий таркибида савдо хизматлари энг катта (38,6 фоиз) улушга эга бўлган. Бунда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар салмоғи

9,8 фоизни, ташиш ва сақлаш хизматлари улуши 5,9 фоизни, ахборот ва алоқа хизматлари ҳиссаси 3,0 фоизни, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар йўналиши улуши 3,0 фоизни, бошқа турдаги хизматлар салмоғи эса 39,7 фоизни ташкил этган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида транспорт хизматлари энг катта улушни эгаллади (2-жадвал).

2020 йил 1 январь ҳолатига жами хизмат кўрсатиш ҳажмида уларнинг улуши 28,1 %ни ташкил этди. Бу борада юқори кўрсаткичлар, шунингдек, савдо хизматлари (25,1 %), молиявий хизматлар (18,2 %), алоқа ва ахборот хизматларига (5,7 %) тўғри келди [14].

Агар 2021 йилнинг дастлабки маълумотларига кўра, иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибини статистик ўрганиб чиқадиган бўлсак, “Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида энг катта улушни савдо хизматлари эгаллайди. 2021 йил январь-декабрь ойларида бу хизматларнинг улуши 25,7 %ни ташкил этди. Шу билан бирга, юқори кўрсаткичлар транспорт (23,8 %), молиявий хизматлар (21,1 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,0 %), шунингдек, таълим соҳасидаги хизматлар бўйича (4,2 %) қайд этилди” [13].

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматларининг ишлаб чиқариш динамикаси (2020 йил 1-январь ҳолатига) [13]

Кўрсаткичлар	Млрд. сўм	2018 йилга нисбатан, %	Жамига нисбатан, %
Хизматлар жами. Шу жумладан, асосий турлар бўйича:	190356,0	112,5	100,0
Алоқа ва ахборот хизматлари	10869,2	108,0	5,7
Молиявий хизматлар	34635,0	154,6	18,2
Транспорт хизматлари	53576,5	105,6	28,1
Шу жумладан, автотранспорт хизматлари	25279,1	103,5	13,3
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	5715,9	105,6	3,0
Савдо хизматлари	47693,3	105,1	25,1
Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	5862,2	103,1	3,1
Таълим соҳасидаги хизматлар	6990,4	106,8	3,7
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	2930,3	113,4	1,5
Ижара хизматлари	3952,3	104,1	2,1
Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	3102,1	103,7	1,6
Шахсий хизматлар	4564,8	103,7	2,4
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник соҳасидаги хизматлар	4039,0	108,1	2,1
Бошқа хизматлар	6425,0	102,8	3,4

2018 йилга нисбатан аҳоли жон бошига бўлди, унинг ўсиши 10,4 %ни ташкил этди (3-кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 1090,1 жадвал).
минг сўмга ошди ва 5668,6 минг сўмга тенг

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми (2020 йил 1 январь ҳолатига), минг сўм [13]

Ўзбекистон Республикаси	5668,6
Қорақалпоғистон Республикаси	2964,0
Андижон	3141,6
Бухоро	4275,4
Жиззах	3058,6
Қашқадарё	2691,1
Навоий	4904,4
Наманган	2675,5
Самарқанд	3196,9
Сурхондарё	2873,2
Тошкент	4705,7
Фарғона	3034,2
Хоразм	3065,0
Сирдарё	3128,1
Тошкент шаҳри	25703,0

Тошкент шаҳрида аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми 25703,0 минг сўм эквивалентида белгиланган. Шу билан бирга, юқори кўрсаткичлар Навоий (4904,4 минг сўм), Тошкент (4705,7 минг сўм), Бухоро (4275,4 минг сўм) вилоятларида қайд этилди. Наманган (2675,5 минг сўм), Қашқадарё (2691,1 минг сўм) ва Сурхондарё (2873,2 минг сўм) вилоятларида бошқа худудлардаги нисбатан аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми нисбатан паст бўлди.

Таҳлилларимиз кўрсатдики, Республика-мизда 2021 йилда 2020 йилга нисбатан хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 102,3 фоизга, аҳоли жон бошига тўғри келувчи хизматлар ҳажми эса 100,4 фоизга тенг бўлган. Бугунги кунда республикамизда бир кишига тўғри келувчи хизмат-

лар ҳажми ўтган йилга нисбатан 0,4 фоизга ошган ёки ўртача 5668,6 минг сўмга тенг. Жами кўрсатилган хизматлар ҳажмида Тошкент шаҳри (34,3 %), Тошкент (7,2 %), Самарқанд (6,4 %) вилоятлари юқори салмоққа эга, энг паст улуш Сирдарё (1,4), Жиззах (2,2 %), Навоий (2,6 %) вилоятларига тўғри келади.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги статистик таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда ва хизмат кўрсатиш соҳасига бўлган талабларни статистик ўрганиш натижаларига кўра, қуйидаги таклифларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

– ҳар бир худуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, хизматларни кенгайтириш, янги хизмат турларини йўлга қўйиш, илғор тажрибалар

ва намунавий лойиҳаларни жорий этиш бўйича янги методология яратиш;

– хизмат кўрсатиш бўйича аҳолига тайёр намунавий бизнес лойиҳаларини тақдим этиш, касбга ўқитишдан бизнесни йўлга қўйишгача бўлган комплекс хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш;

– янги қурилган кўп қаватли уйларнинг эксплуатацияси бўйича бошқарув компаниялари ташкил этиш, мавзелар ичида турли хизматларни йўлга қўйиш;

– хавфсизлик талабларини йўлга қўйган ҳолда, аэропорт, темир йўл ва автовокзаллар ҳудудларида, магистраль йўллар ёқасида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш;

– ахборот соҳасида хусусий сектор иштирокини янада кенгайтириш, нархларни арзонлаштириш ва сифатини ошириш ҳисобига алоқа ва интернет хизматлари ҳажмини кенгайтириш ва ҳоказолар.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, бу ислохотларнинг узвийлигини давом эттириш, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасини истиқболда тизимли ривожлантириш ва унинг сифатини янада ошириш борасида Президентимиз томонидан “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон-

нинг тараққиёт стратегиясида” кўплаб мақсад ва вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, **биринчидан**, ҳудудларда хизматлар кўламини кенгайтириш, янги хизмат турларини жорий этиш орқали соҳада ижобий муҳитни яратиш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кескин ошириш. Бунинг учун хизматлар соҳасининг самарадорлигини янада ошириш ва хизматлар соҳасини иқтисодиётнинг драйверига айлантириш зарур.

Иккинчидан, транспорт ва логистика хизматларини ривожлантириш, чекка ҳудудларнинг интернет билан таъминланганлик даражасини ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, йўл бўйи хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини замонавий талабларга мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимида бўш турган бино ва ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида ушбу соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда улар фаолиятини кенгайтириш.

Ушбу вазифаларнинг бажарилиши хизматлар соҳасини ривожлантириш учун концептуал жиҳатдан мутлақо янги тизимни жорий этиш имконини беради.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 ноябрдаги “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз”, янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришишидаги тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2021 йил 7 ноябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. // www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сонли қарори. // <https://lex.uz/ru/docs/5421233>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сонли қарори. // <https://lex.uz/docs/5840284>
6. Разомасова Е.А. Сфера услуг: теория, состояние и развитие: монография. // НОУ ВПО Центросоюза РФ «Сибирский университет потребительской кооперации». – Новосибирск, 2011. – 136 с.
7. Кулибановой В.В. и др. Управления и организация в сфере услуг: теория и практика: Service management and Operation – 2-е международ изд. / К.Хаксвер, Б.Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик. – Спби. др: Путер бух. 2002. С. 496. <http://naukovedenie.ru/PDF/53EVN>
8. Мелешко Ю.В. Трансформация определения понятия «услуг» в контексте концепции постиндустриального общества. // Россия: Интернет-журнал “Экономическая наука сегодня”. № 4. 2016 г.
9. Муҳаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш – устувор масала”. // *Servis jur.* № 1, 2009. 47-56-б.
10. Ботинова Р., Икромов И. Ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари. № 11(119)-2017. <http://www.biznesdaily.uz>
11. Эрназаров Г.Б. Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини статистик баҳолаш. // Монография (– Т.: «Инновацион ривожланиш» нашриёт-матбаа уйи, 2022). – Т.: ДСҚ босмаҳонаси, 2022. – 160 б.
12. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. // stat/uz.
14. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. Статистик тўплам. – Т.: ЎзРДСҚ, 2020. – 156 б.